

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОХИРОВ ЭЪЗОЗБЕК ТУРСУНАЛИЕВИЧ**

**ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМА СИГНАЛИЗАЦИЯСИНИНГ НАЗОРAT**  
**ҚИЛИШ ДАТЧИКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ,**  
**АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИ**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва**  
**қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тохиров Эъзозбек Турсуналиевич**

Темир йўл кесишма сигнализациясининг назорат қилиш датчикларини  
такомиллаштириш моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситалари.....3

**Тохиров Эъзозбек Турсуналиевич**

Модели, алгоритмы и программные средства усовершенствования  
датчиков контроля переездной сигнализации.....21

**Tokhirov Ezozbek Tursunaliyevich**

Models, algorithms and software for improving railway  
level crossing signalling sensors.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОХИРОВ ЭЪЗОЗБЕК ТУРСУНАЛИЕВИЧ**

**ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМА СИГНАЛИЗАЦИЯСИНИНГ НАЗОРAT**  
**ҚИЛИШ ДАТЧИКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ,**  
**АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИ**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва**  
**қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.Ph.D/T2001 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиев Равшан Маратович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мамаджанов Алишер Мамаджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Матёкубов Нурбек Рустамович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент Давлат Техника Университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» 09 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 219 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2021 йил « 8 » 09 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «17» 08 даги 14 рақамли реестр баённомаси).



**Н.Р. Юсупбеков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
ф.д., профессор, академик

**У.Ф. Мамиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари бўйича PhD, доцент

**Х.З. Игамбердиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда темир йўл кесишмаларининг ўтказувчанлик қобилиятини такомиллаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида унинг инфраструктурасини ва интеллектуал ахборот коммуникацион датчикли моделларини ишлаб чиқиш, тузилиш тамойилларини тадқиқ этиш ва уларни амалиётда қўллаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада бахтсиз ҳодисалар эҳтимолини камайтириш, ҳаракат қоидалари ва йўлни лойиҳалаш стандартларини қатъий тартибга солиш ва назорат қилиш, хавфсизлик чораларини кенгайтириш ёки юқори техник жиҳозланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Автомобиль ва темир йўл кесишиш ҳудудларидаги ускуналар ўз фаолиятлари орқали бошқарув ижрочилари ва йўл фойдаланувчиларига қулайлик яратиши муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда аҳоли зич жойлашган шаҳарларда темир йўл кесишмалари узоқ муддат ёпилиши сабабли тирбандликлар пайдо бўлиши, кўплаб транспорт тўқнашувлари содир этилиши ва оқибатда поезд ҳаракатланиши тезлигининг камайиши ёки тўхташи, автотранспорт воситаларининг ва йўловчиларнинг кутиш вақтини ошиб кетиши, умумий самарадорликнинг пасайишига олиб келганлиги учун ушбу муаммоларга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, бугунги кунда тизимдаги камчилик ва хавф хатарларни бартараф этиш мақсадида поезд темир йўл кесишмаларига яқинлашиш участкаларининг ҳолатини назорат қилиш датчикларининг тадқиқоти учун модел ва алгоритмларни ишлаб чиқиш долзарб масала сифатида қаралмоқда.

Республикамизда темир йўл соҳасида замонавий инновацион тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишда миллий иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш, унинг таркибида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси каби тизимларни такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли тезкор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «..техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш<sup>1</sup>, .....йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни бажаришда, шу жумладан темир йўл кесишмаларидаги сигнализация бошқарув тизимларининг назорат датчикларини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

такомиллаштириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги» ва IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» каби муҳим йўналишлар доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Темир йўл кесишмалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини ишлаб чиқишни йўлга қўйган сўнги технологиялар асосида илмий тадқиқотлар олиб боровчи жаҳоннинг етакчи илмий ташкилотлари ва таълим марказлари, жумладан, General Electric Transportation (АҚШ), Institute of Communications Technology Hannover, Брауншвейг Техника университети (Германия), Bombardier transportations (Канада-Швеция), Москва темир йўл муҳандислари институти, Самара давлат темир йўл университети, Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида илмий изланишлар натижасида темир йўл кесишмаларини ривожлантириш билан боғлиқ илмий муаммоларни ҳал қилишга чет эл олимлари Полевой Ю.И.<sup>2</sup>, Тильк И.Г.<sup>3</sup>, Т. Manabu<sup>4</sup>, N. Miyaguchi, K. Kumasaka, R. Ishima, Y. Fukuta, К.К. Таль, А.А. Поляков, R.C.Taggart<sup>5</sup>, P. Lauria, G. Groat, C. Rees, A. Brick-Turin, A.S. Hakkert<sup>6</sup>, V.Gitelman, W. Okitsu<sup>7</sup>, М.Н. Schrader<sup>8</sup>, J.R. Hoffpauer, М.Р. Haque<sup>9</sup>, S. Tanvir,

<sup>2</sup> Полевой Ю.И., Алиев Р.М. Схема замещения неограниченной рельсовой линии при наличии на ней подвижной единицы. Научные труды республиканской научно-технической конференции «Ресурсосберегающие технологии и на железнодорожном транспорте». Ташкент. 2011. - с.153- 158.

<sup>3</sup> Тильк И.Г. Новые устройства автоматики и телемеханики железнодорожного транспорта. – Екатеринбург: УрГУПС, 2010. – 168 с.

<sup>4</sup> Manabu Teramoto, Naoki Miyaguchi, Kazuhiko Kumasaka, Reiji Ishima, Yamato Fukuta (2015). Development of a Smart Level Crossing System for Traffic Convenience. JR EAST Technical Review-No.33(p.43-48).

<sup>5</sup> Taggart, R.C., Lauria, P., Groat, G., Rees, C., Brick-Turin, A., 1987. NCHRP Report 288: Evaluating Grade-Separated Rail and Highway Crossing Alternatives. Transportation Research Board, NRC, Washington, D.C.

<sup>6</sup> Hakkert, A.S., Gitelman, V., 1997. Development of evaluation tools for road-rail crossing consideration for grade separation. Transp. Res. Rec. 1605 (1), 96–105.

<sup>7</sup> Okitsu, W., Lo, K., 2010. Simulation-free railroad grade crossing delay calculations. Western ITE Annual Meeting. San Francisco.

<sup>8</sup> Schrader, M.H., Hoffpauer, J.R., 2001. Methodology for evaluating highway–Railway grade separations. Transp. Res. Rec. J. Transp. Res. Board 1754, 77–80.

P. Rempel<sup>10</sup>, S. Landry<sup>11</sup>, Y. Wang, P. Lautala, D. Nelson, M. Jeon, A. Sidebottom<sup>12</sup>, B. Zaouk<sup>13</sup>, K. Ozdemir va бошқа таниқли хорижий олимлар маълум ҳисса қўшганлар. Шунингдек, ушбу йўналишдаги илмий муаммони тадқиқ қилиш ва ўрганиш масалаларига республикамизнинг таниқли олимлари М.М. Алиев<sup>14</sup>, Р.М. Алиев, А.А.Халиков, В.Г. Строков ва бошқаларнинг назарий ва тажрибавий тадқиқотларида кўриб чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган.

Таҳлиллар кўрсатишича кесишма жойларида хавфсизлик масалалари: йўл кесишмаларидаги бахтсиз ҳодисалар статистикасини таҳлил қилиш, темир йўл кесишмаларида фойдаланиш ва техник талаблар, темир йўл кесишмаларида сигнализация параметрларини ҳисоблашнинг асосий қоидалари, темир йўл кесишмаларида ҳимоя қилиш мосламасини яхшилаш, хавфсизликни ошириш учун техник ечимлар, темир йўл кесишмаларида фавқулодда вазиятларни огоҳлантириш мосламаси ва назорат датчик қурилмаларининг замонавий тузилиш тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг «Темир йўл транспортида поездларнинг тезлигига қараб, автомобил ва темир йўл кесишмаси яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш учун дастурий таъминот» (2018-2019), «Темир йўл кесишмасида транспорт воситаларининг транзит ва кечикиш вақтларини баҳолаш учун дастурий таъминот» (2019-2020), «Темир йўл транспортида ҳаракатланувчи таркибнинг автомобил ва темир йўл кесишмасига яқинлашишида тормоз йўлини ҳисоблаш учун дастурий таъминот» (2019-2020), «Темир йўл кесишмаларида “Боллард” тўсиқни ушлаб туриш харажатларини ҳисоблаш учун дастурий таъминот» (2019-2020) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** темир йўл кесишмаларида транспорт воситаларининг кутиш вақтини камайтириш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш учун поездларнинг темир йўл кесишмасига яқинлашишида назорат датчикларини яратиш тамойилларини ва моделларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>9</sup> K. Haque, M.R. Fatmi, S. Tanvir, 2012. Effects and Feasibility of Relocation of Kamalapur Railway Station: An Econometric Approach. Internet: <https://www.researchgate.net/publication/264758593>. (May 17, 2015).

<sup>10</sup> Rempel et al. (2015): System to Provide Real-Time Railroad Grade Crossing Information to Support Traffic Management Decision-Making, U.S. Patent Pending, (Application Number: 15/146,391, Filing Date: May 7, 2015).

<sup>11</sup> Steven Landry, Yuguang Wang, Pasi Lautala, David Nelson, and Myoungsoon Jeon (2018). Digital Human Modeling. Applications in Health, Safety, Ergonomics, and Risk Management, pp. 599-609.

<sup>12</sup> Adam Sidebottom (2015), Active control level crossing management, Version 1.01, 01 October 2016.

<sup>13</sup> Bud Zaouk., & Kelly Ozdemir (August 15, 2017). Implementing Connected Vehicle and Autonomous Vehicle Technologies at Highway-Rail Grade Crossings.

<sup>14</sup> Алиев Р.М., Алиев М.М. Темир йўл кесишмасида транспорт воситаларининг транзит ва кечикиш вақтларини баҳолаш учун дастурий таъминот // Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги //№ DGU 09408. 21.10.2020.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кесишма сигнализациясининг параметрли график моделларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот методологиясини ишлаб чиқиш;

асосий иш режимларида токли йўл қабул қилгичлар билан кесишмага яқинлашиш участкаларининг ҳолати назорати учун датчикни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш;

кесишмага яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминотини, датчик назоратини мезонларини ишлаб чиқиш;

поездларни кесишмага яқинлашиш тезлигини назорат қилиш усулини ишлаб чиқиш;

токли йўл қабул қилгич билан назорат датчикларини тадқиқотларини ўтказиш ва кесишмага яқинлашиш участкаси ҳолатини назорат қилиш датчикларининг моделларини ва усуллари ишлаб чиқиш;

автошлагбаум, кесишма сигнализация назорати ва микропроцессорли бошқарув қурилмаларини ишлаб чиқиш;

автошлагбаум ва кесишма сигнализация назорати қурилмалари алгоритминини ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида темир йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш назорат датчиклари ва микропроцессорли кесишма сигнализация қурилмалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кесишмада транспорт воситаларининг кутиш вақтини камайтириш ва поездларнинг яқинлашиш участкасида тезлигини аниқлаш моделлари ва алгоритмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида ахборот технологияларининг инструментал воситаларини қўллаш усуллари, ҳаракат таркибининг интервалли назорат қилиш назарияси, структуравий ва параметрик лойиҳалаш усуллари, тақсимланган параметрлари билан рельс занжирлар назарияси, чизиқли регрессия симуляциялаш усулидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

асосий иш режимларидаги оптимал параметрларни аниқлаш учун токли йўл қабул қилгичли кесишмага яқинлашиш участкалари ҳолатини назорат қилувчи датчикнинг аналитик ифодалари аниқланган ва математик моделлари ишлаб чиқилган;

поездлар ҳаракати хавфсизлигини оширувчи янги датчикларни яратишга имкон берадиган, кесишмага яқинлашиш участкасини назорат қилиш учун датчикларни иш режимларининг мезонлари ишлаб чиқилган;

реал иш шароитларига максимал яқин бўлган имитация модели бўйича тадқиқот ўтказишга имкон берувчи, яқинлашиш участкаларининг ток қабул қилгичли назорат қилиш датчикларининг моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

автотранспортларнинг кутиш вақтини камайтириш ва поездларни кесишмадан ўтиш тезлигини аниқлаш имконини берувчи, маълум

тизимлардан фарқ қилган ҳолда, автошлагбаум ва кесишма сигнализация бошқарув қурилмаси ва микропроцессорли назорат тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юк ва йўловчи поездларни фавқулотда тўхташини аниқлаш учун ҳаракатланувчи таркибнинг автомобиль ва темир йўл кесишмасига яқинлашишида тормоз йўлини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

йўл фойдаланувчиларига огохлантирувчи сигнал бериш ва йўл ёпилиши учун поезднинг тезлигига қараб, йўл кесишмаси яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш схемалари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

кесишмаларда қўрилмарани ишончилигини ва самарадорлигини оширишга имкон берувчи “Боллард” тўсиқни ушлаб туриш харажатларини ҳисоблаш дастурий-алгоритмик мажмуа ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги реал-вақт оралиғида йиғилган маълумотлар базаси ва келтирилган формулалар асосида симуляциялаш амалга оширилган, мавжуд техник дастурий таъминотлар асосида белгиланган даражага мослиги, замонавий жаҳон миқёсидаги умумқабул қилинган мезонлар кўмагида назарий ва амалий натижаларнинг ўзоро мувофиқлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти поездларнинг кесишмага яқинлашиш участкаларини назорат қилиш учун датчикларни ўрнатиш тамойилларини, темир йўл кесишмаларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини қондирадиган назорат датчикларининг мақбул параметрларини ва кесишма мосламаларининг ёпилиш вақтини аниқлаш учун моделлар, алгоритмлар ва дастурларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, улоқсиз рельс занжирлари асосида поезднинг темир йўл кесишмасига яқинлашиш датчик назорати тадқиқоти учун алгоритми ва дастури асосида иш сифатини ва ишончилигини оширилиши натижасида кенгайтирилганлиги, темир йўл ва автотранспорт кесишмасида дастурий таъминотлар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Темир йўл кесишмасига яқинлашиш участкасининг назорат қилиш датчикларини такомиллаштириш моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситалари бўйича олинган натижалар асосида:

ҳаракатланувчи таркибнинг автомобиль ва темир йўл кесишмасига яқинлашишида тормоз йўлини ҳисоблаш учун дастурий мажмуа УТЙ АЖ “Тошкент темир йўл масофаси” корхонасида жорий этилган (2020 йил 06 июлдаги 01/2403-20-сон маълумотнома). Натижада, поездни кесишмага яқинлашишида тормоз йўли узунлигини ўлчаш аниқлиги 45% га ошириш имкони яратилган;

поездларнинг тезлигига қараб, автомобиль ва темир йўл кесишмаси яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш учун дастурий мажмуа УТЙ АЖ “Тошкент темир йўл масофаси” корхонасида жорий этилган (2020

йил 06 июлдаги 01/2403-20-сон маълумотнома). Натижада, кесишма яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблашда маълумотларни ўлчаш аниқлиги 45% га ошириш имконини берган;

темир йўл кесишмаларида “Боллард” тўсиқни ушлаб туриш харажатларини ҳисоблаш учун дастурий мажмуа УТЙ АЖ “Тошкент темир йўл масофаси” корхонасида жорий этилган (2020 йил 06 июлдаги 01/2403-20-сон маълумотнома). Натижада, тўсиқни ушлаб туриш харажатларини ҳисоблаш маълумотларининг аниқлигини 10% га ошириш имкони жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотлар натижалари 5 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий конференциялар ҳамда илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар, шу жумладан 1 та монография, 3 та мақола Scopus базасига киритилган, 3 та мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган, шунингдек 3 та мақола чет эл журналларидаги нашрларда чоп этилган, Халқаро ва Республика конференцияларининг тўпламларида 8 та мақола чоп этилган. 6 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларга ЎЗР Интеллектуал мулк агентлиги томонидан қайд қилинганлик гувоҳнома олинган, шунингдек фойдали моделга ва ихтирога талабнома топширилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши ўзбек тилида ёзилган бўлиб, унинг ҳажми 118 бет, шунингдек кириш, тўртта боб, хулосалар, 49 та расм, 28 та жадвал, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида муаммони ҳал этишнинг муҳимлиги ва диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар ифодаланган, объект ва тадқиқот мавзуси аниқланди, тадқиқот Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, илмий янгилик ва тадқиқотларнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги исботланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқот натижаларининг амалий қўлланмалар рўйхати диссертация тузилмалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Темир йўл кесишмалари ҳолати ва муаммоларининг таҳлили**» номли биринчи бобда мамлакатимизда ва хориждаги темир йўл кесишмаларининг умумий тавфислари, содир этилган бахтсиз ходисалар таҳлиллари ва уларни камайтириш усуллари, шунингдек кесишмаларни янги инновацион жиҳозлар билан тўлдирган ҳолатда баргараф этиш бўйича илмий ишлар мазмун моҳияти ва уларнинг камчиликлари баён этилган.

Жаҳондаги етакчи давлатларнинг темир йўл кесишмаларидаги хавфсизликни таъминловчи қурилмалар ишлаш жараёнлари ва датчик элементларининг тузилиши, шунингдек мамлакатимиздаги темир йўл кесишмаларидаги ҳолатлари ва тамойиллари ва алгоритмлари диссертация мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб ўрганилди.


Дунёнинг минтақавий ва зич жойлашувга эга шаҳарларида ўрин эгаллаган темир йўл кесишмаларида содир этилган бахтсиз ходисалар статистикалари ва натижалари таҳлил қилинди. Ўзбекистон темир йўлларида содир этилган бахтсиз ходисалар йиллар буйича ўрганилди ва асосий ҳолатлар таҳлили фоизларда келтирилди.

Диссертациянинг «**Темир йўл кесишмаларида автотранспорт воситалари кечикишларини ва фавқулодда ҳолатларни қисқартириш учун илмий ва услубий тавсияларни ишлаб чиқиш**» номли иккинчи бобда темир йўл кесишмалари фаолиятида хавфсизликни таъминловчи автоматлаштирилган қурилмаларнинг ва транспорт воситаларига тегишли бўлган параметрлар тўпланди, автотранспорт воситаларининг кечикиш ҳолатига олиб келувчи сабаблар кўрсаткичларининг параметрли тадқиқот алгоритми яратилди ва модели танланди.



1-расм. Автотранспорт воситаларининг кунлик графиги

соҳаси эрталаб соат саккизда бошланиб, уйга қайтиш тахминан кечқурун соат олтида. Шу сабабли энг юқори даврларни АМ чўққиси учун соат 7.00 дан 9.00 гача, РМ чўққиси учун 17.00 дан 19.00 гача бўлган вақт танланди. Иш кунда тўрт иш кун ва шанба ва якшанба дам олиш кунлари олинди.




2-расм. Ҳар кунги шлагбаумни ёпилиш графиги.

палласида келса, автотранспорт воситалари тирбандликдан чиқиши учун ҳам бир неча марта қийинчиликлар талаб этилади. Берилган графикдан ҳам деярли тиғиз пайт бўлган даврда кўпроқ тирбандликлар мавжуд.


Маълумотларга эришиш учун, кесишма орқали. Вақт бўйича, тиғиз пайт энг юқори даврлари, ҳафта охири ва иш кун икки дам олиш кунлари бўйича амалга оширилади. Тошкентда асосан барча муассасалар, ташкилотлар, ўқув муассасалари ва бошқалар, хизмат кўрсатиш

Транспорт воситаларининг тиғиз пайтидаги бўлган соатлардаги ҳажми бошқа вақтга нисбатан юқори.


Бу пайтда темир йўл кесишмасидан ўтишда бир неча қийинчилик туғдиради. Агар поезд тиғиз пайт



3-расм. Кундалик поездлар частотаси ва тиғиз пайт графиги.



4-расм. Шлагбаумнинг ёпилиш графиги ва транспорт воситаларининг кунлик ўртача кечикиш вақти.



5-расм. Темир йўл кесишмасида автотранспорт воситасининг ҳафта давомида кечикишини ҳисоблаш. Автотранспорт кечикишини а) поезд ўтиш частотаси, б) автотранспорт зичлиги, в) шлагбаумнинг ёпилиш даври, г) тиғиз пайт ўртасидаги умумий таққослаш.

Ҳафта давомида, дам олиш кунлари, шунингдек куннинг тиғиз даврида ва тиғиз даврдан холи булган соатлардаги темир йўл кесишмасида транспорт воситаларининг кечикишини граф модели асосида тадқиқ этиш имконини берди.

Бундай ҳолда, бир нечта чизиқли регрессия қўлланилади, моделнинг спецификацияси шундаки, битта боғлиқ ўзгарувчи ва бир нечта боғлиқ ўзгарувчи  $y_i = \beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \dots + \beta_p x_{ip} + \epsilon$  параметрларнинг чизиқли бирикмаси.  $I - n$  кузатишлар учун:  $y_i$  - боғлиқ ўзгарувчи,  $x_i$  - мустақил ўзгарувчилар,  $\beta_0$  - у- билан кесишиш нуқтаси,  $\beta_p$  - ҳар бир тушунтириш ўзгарувчиси учун нишаб коэффициентлари,  $\epsilon$  - модел хатоларининг даври.

1-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари (t-тест).

|               | Умумий      | Ҳафтада     | Ҳафта охири  | Тиғиз    | Тиғизмас    |
|---------------|-------------|-------------|--------------|----------|-------------|
| Ўзгарувчи     | Pr(> t )    |             |              |          |             |
| (Чегара)      | 0.00676 **  | 0.0285*     | 0.094961.    | 0.7145   | 0.0102 *    |
| Поезд частот. | 0.01875 *   | 0.0451*     | 0.235585     | 0.0175 * | 0.0508 .    |
| Авто.оқим.    | 0.71799     | 0.9412      | 0.662931     | 0.6631   | 0.7471      |
| Тиғиз пайт    | 0.15978     | 0.1858      | 0.624845     |          |             |
| Шлаг.ёп.давр. | 5.62e-09*** | 3.09e-06*** | 0.000848 *** | 0.3150   | 3.5e-08 *** |

Кесишмадаги шлагбаумнинг ишлаш даврийлиги ва поезднинг харакатланиш частоталари, автотранспорт воситаларининг тўхтаб туришлар сони ва тузилмаси граф модели асосида яққоллик ва юқори формаллаштирилганлиги таъминланди.

2-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари (баҳолаш).

|                 | Умумий   | Ҳафтада   | Ҳафта охири | Тиғиз    | Тиғизмас  |
|-----------------|----------|-----------|-------------|----------|-----------|
| Ўзгарувчи       | Баҳолаш  |           |             |          |           |
| (Чегара)        | 2.460115 | 2.6855614 | 2.2915399   | 1.059446 | 2.5319180 |
| Поезд. частот.  | 1.748422 | 1.8670569 | 1.4772594   | 5.629356 | 1.5723432 |
| Авто. оқим.     | 0.000480 | 0.0001268 | 0.0009982   | 0.001512 | 0.0004659 |
| Тиғиз пайт      | 0.692729 | 0.8167885 | 0.4123783   |          |           |
| Шлаг. ёп. давр. | 0.415388 | 0.4098101 | 0.4181474   | 0.188392 | 0.4261248 |

3-жадвал

Модел хулосаси

| Модел | R квадрат | Созланган R Квадрат | Баҳолашдаги стандарт хатолик |
|-------|-----------|---------------------|------------------------------|
| 1     | 0.793     | 0.788               | 2.07                         |
| 2     | 0.789     | 0.782               | 2.18                         |
| 3     | 0.805     | 0.787               | 1.84                         |
| 4     | 0.806     | 0.781               | 1.06                         |

Маълумотларга асосланиб, шлагбаум кунига маълум бир иш кунига жами 6 соат давомида фаол ишлайди. 4-жадвалда кўрсатилгандек, иш кунининг энг тиғиз пайт даврларида темир йўл шлагбауми вақтнинг 20% давомида фаол бўлади ва фаол бўлганда у ўртача 11 дақиқа давомида қолади. 4-жадвал шуни кўрсатадики, ўтиш жойи куннинг катта қисмида фаол бўлиб, транспорт ҳаракати кечикишига сабаб бўлади.

4-жадвал

Иш кунлари ва дам олиш кунлари шлагбаумни ёпилиш вақти.

| Ҳафта кун. ва ҳафта охири | *Давр      | *Шлагбаумни тушишлар сони | *Шлагбаум ни ўртача тушиш вақти (min) | *Шлагбаум ни умумий тушиш вақти (min) | Умумий |
|---------------------------|------------|---------------------------|---------------------------------------|---------------------------------------|--------|
| Ҳафта кун.                | 24 соат    | 31                        | 12                                    | 371                                   | 25%    |
| Ҳафта кун.                | Тиғиз пайт | 4                         | 11                                    | 49                                    | 20%    |
| Ҳафта кун.                | Тиғиз эмас | 27                        | 12                                    | 322                                   | 27%    |
| Ҳафта охири               | 24 соат    | 29                        | 11                                    | 347                                   | 24%    |
| Ҳафта охири               | Тиғиз пайт | 4                         | 13                                    | 52                                    | 22%    |
| Ҳафта охири               | Тиғиз эмас | 27                        | 12                                    | 322                                   | 26%    |

\*Давр - 24 соат мобайнида темир йўлни кесиб ўтишнинг бир куни, Тиғиз пайт- соат 7:00 дан 19:00 гача, тиғизсиз даври 9:00 дан 5:00 гача ва 19:00 дан 7:00 гача.

\*Шлагбаумни ёпилишлар сони - бу бир куннинг барча даврида дарвоза неча марта фаол бўлганлиги.

\*Шлагбаумни ўртача ёпилиш дақиқалари- бу дарвоза бир кун давомида фаол бўлган ўртача дақиқалар.

\*Шлагбаумни умумий ёпилиш дақиқалари - бу дарвоза бир куннинг барча даврларида фаол бўлган дақиқалар.

Бу вазиятда 371 дақиқа - бу шлагбаумни умумий тушиш вақти, кунлик неча фоизни ташкил қилади? Кунлик 24 соат, дақиқадан 1440 дақиқа. Шунинг учун умумий фоиз  $t = (371 * 100) / (24 * 60)$

5-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари.

|                | Ҳафта кун. (24 Соат) |          |
|----------------|----------------------|----------|
|                | Estimate             | Pr(> t ) |
| (Чегара)       | 2.289008             | 0.5633   |
| Поезд частот.  | 1.006211             | 0.6029   |
| Авто.оқим.     | 0.001007             | 0.8536   |
| Тиғиз па. соат | 0.728962             | 0.5577   |
| Шлаг.ёп.давр.  | 0.465767             | 0.0152*  |

Поезд ўтишлар частотасини ўзгартиргандан сўнг:

6-жадвал

Иш кунлари ва дам олиш кунлари шлагбаумни тушиш вақтлари. Поезд частотаси пасайганидан кейин.

| Ҳафта кун. ва ҳафта охи. | Давр    | Шлагбаумни тушишлар сони | Шлагбаумни ўртача тушиш вақти | Шлагбаумни умумий тушиш вақти | Умумий  |
|--------------------------|---------|--------------------------|-------------------------------|-------------------------------|---------|
| Ҳафта кун.               | 24 соат | 31/25                    | 12/12                         | 300                           | 25%/20% |

Жадвалдан, поезд частотаси 5 га камайтирилганда, шлагбаумни умумий “тушиш вақти” ҳам камайди. Шу билан бирга, ҳафта иш кунлари темир йўл шлагбауми пастга тушиш вақти 5% га камайди.

7-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари.

|                          | Ҳафта кун. (24 Соат) |          |
|--------------------------|----------------------|----------|
|                          | Баҳолаш              | Pr(> t ) |
| (Чегара)                 | 1.4881937            | 0.7159   |
| Поезд частот.            | 2.2051497            | 0.2552   |
| Авто.оқим.               | 0.0009069            | 0.8737   |
| Тиғиз па. соат           | 0.5711808            | 0.6619   |
| Шлагбаумни тушишлар сони | 0.4291027            | 0.0133*  |


Корреляцион таҳлил натижалари t-тест ва корреляцион таҳлил натижаларини баҳолаш, Модел хулосаси асосида тадқиқот ва лойihalаштришни таъминловчи симуляция натижалари олинди.

8-жадвал


Модел хулосаси

| Модел | R квадрат | Созланган R квадрат | Баҳолашдаги стандарт хатолик |
|-------|-----------|---------------------|------------------------------|
| 1     | 0.816     | 0.777               | 2.05                         |
| 2     | 0.797     | 0.754               | 2.18                         |

Якунда поезд харакатланиш частотаси 5 га, шлагбаумни умумий “тушиш вақти”лари камайтирилди. Шу билан бирга, хафта иш кунлари темир йўл шлагбауми пастга тушиш вақти 5% га камайди ва модел ижобий ўсишни кўрсатиши натижасида кесишмада тирбандлик даражаси камайтирилди.




6-расм. Иш кунлари ва дам олиш кунлари шлагбаумнинг ёпилиш пайти



7-расм. Иш кунлари ва дам олиш кунлари шлагбаумнинг ёпилиш пайти. Поезд частотаси пасайганидан кейин

Диссертациянинг «Темир йўл кесишмаларида поездлар ўтишини назорат қилиш датчикларининг моделлари ва услублари» номли учинчи бобида кесишма жойлашишига қараб, яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш ва ҳозирги кунда мавжуд автошлагбаум схемалари таҳлил қилинган ва тадқиқ қилинган, шунингдек поезднинг кесишмага яқинлашиш тезлигини аниқлаш учун датчик таклиф этилган.

Ушбу бобда кесишманинг жойлашиш ўрни ва поезднинг яқинлашиш тезлигига боғлиқ равишда унинг кесишмага яқинлашиш участкаси узунлиги ҳисоблаб чиқилган ва шунингдек кесишма сигнализацияси ва автошлагбаумларни бошқаришнинг мавжуд схемалари таҳлили натижаларига кўра ток қабул қилгичи бўлиб, изоляциялаш улоқлари бўлмаган тонал рельс занжирига асосланган поезднинг кесишмага яқинлашишиб келишининг назорат схемаси таклиф қилинган (8-расм).



8-расм. Токли қабул қилгич билан назорат датчигининг схемаси

бу ерда

ТП1- ток қабул қилгич 1;

ТП2- ток қабул қилгич 2;

ПГ -йўл генератори;

АЛС – автоматик локомотив сигнализация кодларини узатиш мослама-

лари;

ПК1 ва ПК2 – ток қабул қилувчининг қабул қилувчи ғалтаклари;

Ток қабул қилгичга эга изоляцияланмаган бўғинли тонал рельс занжирларининг оптимал параметрларини аниқлаш учун унинг тадқиқотини нормал, шунт ва назорат асосий иш режимларида тадқиқ этиш керак. Нормал ва шунт режимларида ток қабул қилгич билан Ток қабул қилгичга эга изоляцияланмаган бўғинли тонал рельс занжирларининг ишини тадқиқ

қилишда нормал ва шунт режимларида норматив шунтга нисбатан сезувчанлик мезони формуласи ишлаб чиқарилган:


$$K_{\text{шн}} = \frac{A_{\text{ш}} * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + B_{\text{ш}} + Z_{\text{кирн}}^I (C_{\text{ш}} * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + D_{\text{ш}})}{K_{\text{в}} * U_{\text{max}} * (A_0 * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + B_0 + Z_{\text{кирн}}^I (C_0 * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + D_0))} \quad (1)$$

Ушбу ифода меъерий шунтга нисбатан сезгирлик мезони учун рельс занжири учларидаги максимал рухсат этилган узунлик ва оптимал қаршилиқларни аниқлаш учун асос бўлиб, унга кўра алгоритм ва ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган. 9-расмда ушбу ҳисоблашлар натижаларининг айримлари келтирилган.


Нормал ва назорат режимларида ток қабул қилгичли изоляцияланмаган тонал рельс занжирининг ишини тадқиқ қилилиш учун рельс ипи узилишига нисбатан сезувчанлик мезони формуласи ишлаб чиқилган:

$$K_k = \frac{A_k * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + B_k + Z_{\text{кирн}}^I (C_k * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + D_k)}{N * A_0 * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + B_0 + Z_{\text{кирн}}^I (C_0 * \frac{Z_{\text{кирк}} * Z_{\text{в1}}}{Z_{\text{кирк}} + Z_{\text{в1}}} + D_0)} \quad (2)$$

Юқорида келтирилган формула бўйича, шунингдек рельс ипи узилишига сезувчанлик мезони учун рельс занжирининг рухсат этилган максимал узунлиги ва унинг учларидаги оптимал қаршилиқни аниқлаш учун алгоритм ва ҳисоб-китоб дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ҳисоб-китоб натижаларидан бири 10-расмда тақдим этилган.



9-расм.  $\phi_{\text{вхн}} = 0^0$  ва  $f = 420$  Гц сигнал частотасида занжир узунлигига шунт сезгирлигини таъминлаш шarti билан бошқарув датчиги кириш қаршилиги боғлиқлик графикалари



10-расм.  $f = 480$  Гц ва  $\phi_{\text{вхн}} = 80^0$  сигналли частоталарида занжир узунлигининг рельс изининг синиш сезгирлигини таъминлаш шarti билан назорат датчиги кириш қаршилигининг боғлиқлик графикалари.

Автомобил транспортининг кесишмада туриб қолиш вақтини қисқартириш мақсадида поезд назорат қилинаётган участкага кириб

келганидан сўнг кесишма қурилмаларининг ишга тушириш вақтини қуйидаги формула бўйича аниқлаш таклиф этилади:

$$t_{\text{ккит}} = t_{\text{хв}} - t_{\text{кёв}} - t_{\text{ткв}}. \quad (3)$$

бу ерда  $t_{\text{хв}}$  – поезднинг назорат датчикларидан кесишмагача бўлган ўтиш ҳақиқий вақти;

$t_{\text{кёв}}$  – кесишма қурилмасининг ёпилиш вақти;

$t_{\text{ткв}}$  – кесишмада транспорт воситаларини кутиш вақти.

Поездларнинг кесишмага яқинлашиб келиш ҳақиқий вақти  $t_{\text{хв}}$  қуйидаги формулага биноан аниқланиши мумкин:

$$t_{\text{хв}} = \frac{L_{\text{яу}}}{0,28 \cdot V_{\text{max}}}. \quad (4)$$

бу ерда  $L_{\text{яу}}$  - яқинлашиш участкасининг узунлиги.

0.28 - км/соат дан м/сонияга ўтказиш коэффиценти;


$V_{\text{max}}$  - поезднинг кесишмага яқинлашиш тезлиги.

Кесишма ёпилганидан кейин транспортни кутиш вақти  $t_{\text{ткв}}$  юқори тезликдаги поездлар учун қуйидаги формуладан аниқланади:

$$t_{\text{ткв}} = t_{\text{тхв}} - t_{\text{кёв}}. \quad (5)$$

бу ерда  $t_{\text{тхв}}$  – тез юрар поезднинг назорат датчикларидан кесишмагача бўлган ўтиш ҳақиқий вақти

Олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, рельс занжирининг барча ишлаш режимларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, ток қабул қилгичлар билан тонал рельс занжирининг узунлиги 2200 метрни ташкил этганлиги аниқланди. Шунингдек учинчи бобда поезднинг кесишмага соатига 250 км тезлик билан яқинлашиш участкасининг масофаси кўриб чиқилиб, аниқланган бўлиб, унинг узунлиги 3080 м ни ташкил қилади ва буни ҳисобга олган ҳолда поездларнинг кесишмага яқинлашишини назорат қилиш учун изоляция улоқлари бўлмаган ва ток қабул қилгичли, умумий узунлиги 4400 м бўлган, узунлиги  $l_c$  ли, биринчи рельс занжири киришида ўрнатилган тезликни назорат қилиш датчигига эга бўлган иккита тонал рельс занжири танлаб олинган (11-расм).




11-расм. Токли қабул қилгич билан назорат датчигининг схемаси

Яъни поезд назорат қилинаётган участкага кириб келганидан сўнг кесишмани шу заҳоти эмас, балки поездларнинг кесишмага яқинлашиш

тезлигига боғлиқ равишда  $t_{вз}$  вақтини ўтказган ҳолда ёпиш мумкин бўлади. Шу тарзда автотранспортнинг кесишма олдида туриб қолиш вақти қисқаради.


Диссертациянинг «**Темир йўл кесишмалари назорат датчикларининг дастурий таъминоти ва техник ечимларини ишлаб чиқиш**» номли тўртинчи бобида кесишма сигнализациянинг микропроцессорли бошқарув қурилма схема алгоритми ва модели ишлаб чиқилди. Автоматик тўсиқлар билан автоматлаштирилган кесишма сигнализациясининг ишлашини бошқариш ва назорат қилиш билан ушбу мақсадлар учун энг мос бўлган таниқли Intel MCS-51 компаниясининг микроконтроллеридан фойдаланиш таклиф этилди. Ушбу микроконтроллернинг ўзига хос хусусияти шундаки, у тўртта кириш ва чиқиш портига, мосламаларни кесишмани бошқариш ва назорат дастурларини сақлаш учун етарли ички ва кенгайтириладиган ташқи хотирага эга.

Ишлаб чиқилган микропроцессорли бошқарув ва назорати тизимининг схемаси 12-расмда келтирилган.



12-расм. Автошлагбаум билан микропроцессорли кесишма сигнализацияси.

13-расмда кесишма сигнализацияси ва автошлагбаумларни назорат қилиш ва бошқариш қурилмалари алгоритмининг блок-схемаси ишлаб чиқилган. Унинг асосида поездларни кесишмага яқинлашиш тезлигига қараб кесишма қурилмаларини бошқариш ва назорат қилиш дастури тузилган.



13-расм. Кесишма сигнализацияси қурилмалари ва автошлагбаумларни бошқариш ва назорат қилиш алгоритмининг блок-схемаси.

Замонавий кесишмаларга ўрнатилган хавфсизлик қурилмалари таҳлил қилинди. Ҳозирги шароитга мослаштириш, шунингдек автоном автотранспорт технологиясини қўллаш бўйича таклифлар берилди.

Транспорт воситаларидан инфратузилма (А2І) технологияси транспорт воситалари ва йўл инфратузилмаси ўртасида икки томонлама маълумот алмашиш имкониятини таклиф этади.

Транспорт ва йўл шароитлари тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланиб, транспорт воситаларининг гуруҳ ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилган бўлиб, улар: тирбандлик билан боғлиқ транспорт воситаларининг тезлиги ва тезланишини ўз ичига олади; темир йўл кесишмаси ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади; йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш учун инфратузилмани назорат қилади; хабарларни йўл дисплейлари орқали тарқатиш ёки транспорт сигналларини созлашни ўз ичига олади; чорраҳалар ва темир йўл кесишмаларига кириш хавфли бўлганда автоуловчиларни огоҳлантиради.

## ХУЛОСА

Диссертацияда темир йўл кесишмаларининг инновацион курилмалари ва хавфсизлик таҳлиллари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар, автотранспорт воситаларининг кечикишини ҳисоблаш тамойиллари, тадқиқот моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган ва шунингдек, самарали датчикларни ишлаб чиқиш ва эски темир йўл кесишмаларидаги тизимнинг муаммосини хал қилишга имкон берадиган ҳисоблар амалга оширилган.

Натижада куйидаги асосий натижаларга эришилди

1. Транспорт воситаларини мобил ҳаракатланиш давомийлигини ва темир йўл кесишмаси атрофида кечикишларни камайштириш учун автотранспорт воситаларининг кечикиш ҳолатига олиб келувчи сабаблар кўрсаткичларининг тамойиллари яратилган.

2. Поезднинг айнан қайси даврда ҳаракатланиши кераклиги шарт шароитлари модел натижаси асосида ишлаб чиқилди. Корреляцион таҳлнинг параметрли граф моделлари, тадқиқот ва лойихалаштиришни таъминловчи симуляция натижалари тадқиқоти учун математик модель тузилган.

3. Темир йўл кесишмасидан ўтиш вақтида кутиш ва ҳаракатланиш вақтини қисқартириш асосий тавсифлари йиғилган ва параметрли граф моделлар асосида тадқиқ этиш усули аниқланди.

4. Асосий иш режимларида ток қабул қилгич билан туташмасиз тонал рельс занжирлари асосида поездларнинг темир йўл кесишмасига яқинлашиш назорат датчигининг оптимал параметрларини аниқлаш дастури ва алгоритм, математик модели ишлаб чиқарилди.

5. Ҳаракатланувчи таркибнинг автомобиль ва темир йўл кесишмасига яқинлашишида тормоз йўлини ва поездларнинг тезлигига қараб, автомобиль ва темир йўл кесишмаси яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш тадқиқоти алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқилган ва дастурий махсулотлар учун муаллифлик ҳуқуқи эга сертификатлари олинди.

6. Переезд курилмалари ёпилишининг оптимал вақтини аниқлашда, поездни переездга яқинлашиш тезлигини ва переезд курилмаларини бошқарув микропроцессорли тизими ишлаб чиқарилган.

7. Поездларнинг кесишмага яқинлашиш тезлиги бўйича кесишма курилмаларини бошқариш ва назорат ўтказиш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди.

8. Диссертация ишида олинган натижалар ҳар бир кесишманинг иш фаоллигини 45% дан 90% га ошишини, шлагбаум ёпилишини бор-йўғи 1 дақиқа фаоллашиши имконини берди.

9. Диссертацияда назарда тутилган янги назарий умумлашмалар ва амалиётга татбиқ этиш натижаларига асосланган ҳолда, кесишма курилмаларини бошқариш ва назорат ўтказиш датчикларини яратишнинг илмий асосини ишлаб чиқиш муаммолари ечими топилди ва бу назоратнинг юқори ишончлилигини таъминлаш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш билан бирга халқ хўжалиги учун ҳам муҳим иқтисодий аҳамиятга асосланганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТОХИРОВ ЭЪЗОЗБЕК ТУРСУНАЛИЕВИЧ**

**МОДЕЛИ, АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНЫЕ СРЕДСТВА  
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДАТЧИКОВ КОНТРОЛЯ ПЕРЕЕЗДНОЙ  
СИГНАЛИЗАЦИИ**

**05.01.06 – Элементы и устройства вычислительной техники и систем управления**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.Ph.D/Г2001.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Алиев Равшан Маратович**  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Мамаджанов Алишер Мамаджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Матёкубов Нурбек Рустамович Махкамов**  
доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:**

**Ташкентский университет  
информационных технологий имени  
Мухаммада ал-Хоразмий**

Защита диссертации состоится «21» 09 2021 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.ru](mailto:tstu_info@tdtu.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном техническом университете (регистрационный номер - 219). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан «8» 09 2021 года.  
(протокол реестра № 14 от «17» 08 2021 года).



**Н.Р.Юсупбеков**

Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор, академик

**У.Ф.Мамиров**

Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
PhD по техническим наукам, доцент

**Х.З.Игамбердиев**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире одной из актуальных и наиболее важных задач является разработка инфраструктуры железнодорожных переездов и интеллектуальных информационно-коммуникационных моделей с датчиками, а также применение их на практике в целях совершенствования пропускной способности железнодорожных переездов и обеспечения их безопасности. На нынешнем этапе уделяется особое внимание таким проблемам, как уменьшение вероятности несчастных случаев на железнодорожных переездах, строгое упорядочение и контроль дорожных правил и стандартов проектирования дорог, расширение мер безопасности, а также повышение технической оснащенности на всех железнодорожных переездах. Оборудование на местах пересечения автомобилей и железной дороги своей работой создает удобства для исполнителей управления и пешеходов, пользователям дорог и общественному транспорту, а также для водителей автотранспорта и машиниста.

В мире длительное закрытие железнодорожных переездов в густонаселенных городах привело к заторам, многочисленным дорожным столкновениям и, как следствие, к снижению или остановке скорости поездов, увеличению времени ожидания транспортных средств и пассажиров и снижению общей эффективности. Для решения этих проблем ведутся научно-исследовательские работы. В связи с этим разработка моделей и алгоритмов исследования датчиков для контроля состояния участков приближения поездов к переездам с целью устранения недостатков и опасностей в системе сегодня считается актуальной задачей.

В республике в железнодорожной отрасли принимаются широкомасштабные оперативные меры, направленные на обеспечение устойчивости национальной экономики с целью повышения ее конкурентоспособности за счет развития приоритетных направлений развития, модернизации и диверсификации современных инновационных производств, включая совершенствование таких отраслей, как передовая промышленность и сфера услуг. Определены стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе «..техническая и технологическая модернизация, реализация проектов производственной, транспортно-коммуникационной и социальной инфраструктуры<sup>1</sup>, .... дальнейшее развитие транспортной инфраструктуры, внедрение информационных и коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, систему управления». При выполнении этих задач одним из важных вопросов является разработка методов и алгоритмов совершенствования контрольных датчиков систем управления сигнализацией на железнодорожных переездах.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 г. №УП-5349 « О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», №ПП-3422 от 2 декабря 2017 г. «О мерах по совершенствованию транспортной инфраструктуры и диверсификации внешнеторговых маршрутов в 2018-2022 гг.» и реализации задач, поставленных в нормативных правовых актах, связанных с данной деятельностью, в определенной степени служит данное диссертационное исследование.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики II. «Энергетика, энерго и ресурсосбережение» и IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Ведущие мировые научные организации и образовательные центры, на основе новейших технологий осуществляющие научные исследования по разработке датчиков контроля состояния железнодорожных переездов, в том числе, General Electric Transportation (США), Institute of Communications Technology Hannover, Техническом университете в Брауншвейге (Германия), Bombardier transportations (Канада-Швеция), Московском институте инженеров транспорта, Самарском государственном университете путей сообщения, Петербургском государственном университете путей сообщения (Россия), Ташкентском государственном транспортном университете (Узбекистан).

В результате научных исследований, проводимых во всем мире, определенный вклад в решение научных проблем, связанных с развитием железнодорожных переездов внесли иностранные ученые, такие как Полевой Ю.И.<sup>2</sup>, Тильк И.Г.<sup>3</sup>, Т. Manabu<sup>4</sup>, N. Miyaguchi, K. Kumasaka, R. Ishima, Y. Fukuta, К.К. Таль, А.А. Поляков, R.C.Taggart<sup>5</sup>, P. Lauria, G. Groat, C. Rees, A. Brick-Turin, A.S. Hakkert<sup>6</sup>, V.Gitelman, W. Okitsu<sup>7</sup>, M.H. Schrader<sup>8</sup>, J.R.

---

<sup>2</sup> Полевой Ю.И., Алиев Р.М. Схема замещения неограниченной рельсовой линии при наличии на ней подвижной единицы. Научные труды республиканской научно-технической конференции «Ресурсосберегающие технологии и на железнодорожном транспорте». Ташкент. 2011. - с.153- 158.

